УДК 94 (575.1)

ТУРКИСТОН АССРДА ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА САВОДСИЗЛИКНИ ТУГАТИШ ЖАРАЁНЛАРИ
(1921–1924 йиллар)

Р.Р. Аҳмедов

Мақолада янги иқтисодий сиёсатнинг илк йилларида совет ҳокимиятининг Туркистон АССРда саводсизликни тугатиш бўйича амалга оширган тадбирлари таҳлил этилган. Республикада катта ёшдаги аҳоли учун ташкил этилган саводсизликни тугатиш мактаблари ва уларда савод чиқараётган кишилар сони бўйича республика областлари кесимида маълумотлар келтирилган. Саводсизликни тугатиш мактаблари учун ўқитувчилар, ўқув қўлланмалар тайёрлаш ва бу жараёндаги муаммолар очиб берилган.

Калит сўзлар: *Туркистон АССР, янги иқтисодий сиёсат, саводсизликни тугатиш, мактаблар, қишлоқ аҳолиси, Маориф комиссарлиги, “Қўшчи” иттифоқи, дарслик, ўқув қўлланма, жадидлар*.

В статье проанализированы мероприятия по ликвидации неграмотности в Туркестанской АССР, проводимые советскими властями в первые годы новой экономической политики. Приведены данные о количестве созданных в республике школ по ликвидации неграмотности для взрослого населения и численности учащихся в них по областям республики. Приведены данные по подготовке учителей, учебников для ликвидации неграмотности и раскрываются проблемывозникающие в этом процессе.

Ключевые слова: *Туркестанская АССР, новая экономическая политика, ликвидация безграмотности, школа, сельское население, Комиссариат просвещения, Союз «Кошчи», учебник, учебное пособие, джадиды.*

Совет давлатида 1921 йил бошларида янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га ўтилиши муносабати билан саводсизликни тугатиш бўйича амалий ишларда ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу даврда Туркистон автоном республика сифатида РСФСР таркибига кирар эди. Янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши билан ўта қаттиқ бюджетнинг амал қила бошлаши, шунингдек, мактаблар тармоғини ташкил этиш, саводсизликни тугатувчилар ишини ташкил этиш бўйича аниқ режаларнинг йўқлиги Туркистон АССРда Маориф халқ комиссарлиги муассасаларининг, биринчи навбатда саводсизликни тугатиш мактабларининг кескин қисқаришига олиб келди. Янги иқтисодий сиёсат даврининг шарт-шароитлари, товар-бозор муносабатлари қонунлари Туркистондаги большевиклар раҳбарияти сиёсий истакларининг чекланишига олиб келди. Натижада саводсизликни тугатиш ҳаракатининг аҳолини қамраб олиш даражасида пасайиш кузатилди. 1922 йилда саводсизликни тугатиш мактаблари кўпчилик қисмининг давлат бюджетидан чиқарилиб, маҳаллий таъминотга ўтказилиши, шунингдек, маориф соҳасига ажратилаётган маблағларнинг сезиларли даражада қисқартирилиши натижасида катта ёшдагиларни саводли қилиш учун ташкил этилган кўпгина мактаблар ёпилди. 1922 йил охирларида ТАССР Маориф Халқ комиссарлиги тизимида фақат 107 та саводсизлар мактаби ва 3 та қуйи саводлилар мактаби [1. Б. 182–184], Саводсизликни тугатиш бўйича Туркистон Фавқулодда комиссияси (СТТФК) ихтиёрида республика бўйича бор-йўғи 15–20 та мактаб бор эди, холос [2. Б. 143].

1922 йил охири – 1923 йил бошларидан жойларда саводсизликни тугатиш аппаратини ташкилий жиҳатдан барпо этиш, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда саводсизликни тугатиш мактабларини моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш бўйича ишлар яна қайтадан йўлга қўйила бошлади. Бунинг натижасида саводсизликни тугатиш бўйича Туркистон Фавқулодда комиссияси 1922–1923 ўқув йили охирида қарийб 200 та саводсизликни тугатиш мактаблари фаолиятини йўлга қўйишга муваффақ бўлди [2. Б. 143].

Қишлоқ жойлардаги саводсизликни тугатиш ҳаракати ҳам бу йилларда чекланган ҳолда олиб борилди. Ваҳоланки, партия-совет раҳбарияти қишлоқларда биринчи навбатда мафкуравий таъсирни кучайтиришдан манфаатдор эди. Туркистон компартиясининг 1923 йил 11–16 март кунлари бўлиб ўтган VII съезди резолюцияларида ҳам қайд этиб ўтилганидек, “Туркистоннинг шаҳар аҳолиси орасида юз бераётган ижтимоий ўзгаришлар қишлоқ ва овулларни жуда кам қамраб олмоқда, ваҳоланки, Туркистон аҳолисининг тўртдан уч қисмини деҳқонлар ташкил этади” [3. Б. 232–233].

Қишлоқларда совет тузуми тадбирлари, хусусан, саводсизликни тугатиш ишларининг шаҳарларга нисбатан суст йўлга қўйилишининг сабаби шунда эдики, совет ҳокимияти аксарият қишлоқ жойларида тўла қарор топмаган эди. Айниқса, Фарғона водийси ҳудудларида бу йилларда совет ҳокимиятига қарши қуролли қаршилик ҳаракати (“босмачилик”) авж олган, қишлоқ жойларда уларнинг таъсири анча кучли эди. Иккинчи бир томондан, совет тузумининг ҳар қандай янги

тадбирлари маҳаллий аҳоли томонидан қандайдир ётсираш, иккиланиш билан кутиб олинган, бу тадбирлар қанчалик ижобий аҳамиятга эга бўлмасин, мусулмон дини мафкураси ва одоб-ахлоқи устувор бўлган қишлоқларда бу тадбирлар доим ҳам ўз тарафдорларини тезда топмаган ва қўллаб-қувватланмаган. Шу боисдан ҳам Туркистондаги большевик раҳбарияти янги "советча" тадбирларни қарор топтириш, энг аввало, коммунистик мафкурани туб жой аҳоли ўртасида кенг ёйишда аввало маҳаллий ёшлар қатламига катта эътибор қаратди.

Туркистон АССР Советлари Марказий Ижроия Комитети (МИК) ва Халқ Комиссарлари Совети (ХКС)нинг 1923 йил 26 июлдаги 115-сон қарорига биноан ёшлар ўртасидаги ташкил этиладиган саводсизликни тугатиш ишларини якунлашнинг охирги муддати этиб 1924 йилнинг 1 майи белгиланган. Бунинг учун бутун Туркреспублика ҳудудларида ёшлар ўртасида саводсизликни тугатиш кампанияси учун ҳар бирида иккитадан гуруҳ ўқувчилари бўлган мактаблар тармоғини ташкил этиш кўзда тутилган. Саводсизликни тугатиш кампаниясининг моддий таъминоти учун барча областлар ва уездлар ижроия қўмиталарига маҳаллий бюджетлар ҳисобидан зарур маблағларни ўз вақтида етказиб бериш мажбурияти юклатилган [2. Б. 111].

Туркистон АССРнинг совет раҳбарияти қишлоқ аҳолиси ўртасида коммунистик мафкурани кенг ёйиш, совет маданий-маърифий тадбирларини йўлга қўйишда, шу жумладан, таълим соҳасида "Қўшчи"* иттифоқидан изчил фойдаланиш режасини илгари сурди. 1923 йил июнь ойида "Қўшчи" Иттифоқи Марказий Комитети билан Саводсизликни тугатиш бўйича Туркистон Фавқулодда комиссияси ўртасида "Қишлоқ ва овулларни маърифатлаштириш" бўйича ҳамкорлик қилиш юзасидан келишув тузилади. Келишувга кўра, 1923–1924 йилларда Туркистон АССР қишлоқларида ташкил этиладиган саводсизликни тугатиш мактабларида "Қўшчи" иттифоқига аъзо бўлган 70 000 нафар деҳқонларни ўқитиш ва саводини чиқариш кўзда тутилган. Бунинг учун 1923 йил охирларигача шаҳарлардаги саводсизларни ҳам ўқитишни кўзда тутувчи 300 та мактаб (ҳар бир уездда ўртача 10 тадан) ташкил этиш, 1924 йил бошларидан эса 70 000 кишини таълимга жалб этиш ва 1924 йил октябригача уларни саводли қилиш режаси ишлаб чиқилган. Саводсизликни тугатиш мактаблари ўқитувчиларига ҳақ тўлаш "Қўшчи" иттифоқининг маҳаллий комитетлари зиммасига юклатилган [2. Б. 129].

Туркистон АССР ХКСнинг 1923 йил 28 октябрдаги декретига биноан республика бўйича 700 та саводсизликни тугатиш мактаби фаолиятини йўлга қўйиш ва бу мактабларнинг 50 фоизини давлат бюджети ҳисобидан, қолган 50 фоизини эса турли касаба иттифоқлари, ташкилотлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан таъминлаш кераклиги кўрсатилди [2. Б. 143].

Янги иқтисодий сиёсат ислоҳотларининг биринчи босқичида молиявий маблағлар, ўқув жиҳозлари ва педагогик кадрларнинг етишмаслиги сабабли биринчи навбатда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳоли вакиллари ўртасида саводсизликни тугатиш ишларини амалга ошириш вазифаси кун тартибига қўйилди. 30 ёшдан юқори кишиларнинг савод чиқаришлари ихтиёрийлик асосида олиб борилиши кўзда тутилди [4. Б. 148]. Кейинчалик, мамлакат иқтисодий аҳволининг яхшиланиши ва саводсизликни тугатиш ишларидаги дастлабки муваффақиятлар муносабати билан энди 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган аҳолини саводли қилиш вазифаси кун тартибига қўйилди. Бу вазифани амалга оширишга РСФСР БМИК ва ХКСнинг 1923 йил 14 августдаги "Саводсизликни тугатиш тўғрисида" декрети ҳуқуқий асос бўлди [5. Б. 97]. Маданий қурилиш жараёнлари тобора чуқурлашиб боргач, саводсизликни тугатиш ҳаракатига аҳолининг барча қатламлари жалб этила бошланди.

Андижон уезд-шаҳар саводсизликни тугатиш комиссиясининг 1923 йил октябрь ойи бўйича берган ҳисоботига кўра, бу давргача саводсизликни тугатиш бўйича жами 6 та мактаб (3 таси шаҳарда, 3 таси уездда) ташкил этилган. Андижон шаҳридаги саводсизликни тугатиш мактабларидан бири 1923 йил 1 августда Қирлик даҳасида Худоёрберди қози уйида очилган, унда 28 киши ўқиган. Иккинчи мактаб Сой даҳасида собиқ пахта заводи биносида 1923 йил август ойида очилган, унда 35 ўқувчи бўлган. Учинчи тажриба-намуна мактаби Бильдин кўчасида, собиқ Улуғбек мактабида очилган, унда 30 киши (хизматчилар, милиционерлар) ўқиган. Уезд мактаблари 1923 йилнинг июль-август ойларида Олтинкўл волости Миробод қишлоғида, Сўфиқишлоқ волости Гуручмозор станциясида ва Жалолобод районида ташкил этилган. Бу мактабларда "Қўшчи" иттифоқи бошқаруви ходимлари ўқиган. Мазкур мактабларда 1923 йилнинг октябрь ойида жами 383 киши киши ўқиган, улардан 49 нафари европаликлар, 334 нафари туб ерли аҳоли вакиллари бўлган. Ижтимоий таркибига кўра, улардан 16 нафари ишчилар, 238 нафари деҳқонлар, 26 нафари милиционерлар, 89 нафари Туркистон комсомоли аъзолари, 14 нафари Туркистон компартияси аъзолари бўлган [6. Б. 1].

*"Қўшчи" Иттифоқи (туркча – ер ҳайдовчи) – Туркистон АССРда, кейинчалик миллий чегараланишдан кейин Ўрта Осиё республикаларидаги меҳнаткаш деҳқонларнинг оммавий ташкилоти. "Қўшчи" иттифоқи 1921 йил июнь ойида Туркистон Компартиясининг V съезди қарори асосида камбағал деҳқонлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкил этилган. "Қўшчи" иттифоқи ўзида камбағал деҳқонларнигина эмас, балки ўртаҳол деҳқонларни ҳам бирлаштирган. "Қўшчи" иттифоқи аъзолари Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини амалга оширишда совет ҳукуматига фаол ёрдамлашган, айни пайтда қишлоқ аҳолиси ўртасида маданий-маърифий ишларни ташкил этиш ва тарғиб этишда, совет идоралари ва касаба уюшмалари фаолиятини йўлга қўйишда иштирок этган.

Саводсизликни тугатиш бўйича Туркистон Фавқулодда комиссиясининг 1924 йил 3 январдаги йиғилиш қарорига кўра, саводсизликни тугатиш учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ташкил этилган 350 та мактабнинг 15 таси туб ерли аҳоли аёлларининг саводини чиқариш учун мўлжалланган бўлиб, улардан 9 таси ўзбек тилида, 3 таси қирғиз тилида, 3 таси туркман тилида фаолият олиб бориши кўрсатилган. Мактабларнинг 5 таси (3 та ўзбек, 2 та қирғиз) Сирдарё областида, 3 таси (ўзбек) Фарғона областида, 3 таси (ўзбек) Самарқанд областида, 3 таси (туркман) Туркман областида, 1 таси (қирғиз) Еттисув областида очилиши белгиланган [2. Б. 15].

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, катта ёшдагилар учун ташкил этилган саводсизликни тугатиш мактабларига асосан совет ташкилотлари ва муассасаларида ишлаётган кишилар жалб этилган, ўқишга жалб этилганлар орасида қишлоқ аҳолиси, хусусан, деҳқонлар озчиликни ташкил этган.

Саводсизликни тугатиш бўйича Туркистон Фавқулодда комиссияси ва Бутуниттифоқ Касаба уюшмалари Марказий совети (ВЦСПС) Туркистон бюроси ўртасида 1924 йил 1 январда тузилган келишувга кўра, касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан ҳам саводсизликни тугатиш мактабларини ташкил этиш, ушбу мактаблар ва ўқитувчилар таъминотини касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан қоплаш кўзда тутилган. Саводсизликни тугатишга сарфланиши шарт бўлган маблағлар ҳар бир касаба уюшмалари маданий фонди (культфонд)нинг 30% ини ташкил этиши лозимлиги келишувда кўрсатилган [2. Б. 174].

1924 йил 15 апрелдаги маълумотга кўра, Туркистон АССРда жами 489 та саводсизликни тугатиш мактаблари фаолият кўрсатган, уларнинг 50 фоизи қишлоқ ва овулларда ташкил этилган. Жумладан, бу пайтда Еттисув областида – 89 та, Туркман областида – 68 та, Фарғона областида – 134 та, Самарқанд областида – 48 та, Сирдарё областида – 147 та, Амударё областида – 3 та саводсизликни тугатиш мактаблари бўлган [7. Б. 60–61].

1924 йилда Туркистон Фавқулодда комиссияси томонидан саводсизликни тугатиш тадбирлари бўйича 5 йиллик режа ишлаб чиқилган бўлиб, бу режа Туркистон АССР ХКС томонидан тасдиқланган. Режага кўра, 1924–1925 ўқув йилида республикада жами 1450 та саводсизликни тугатиш мактабларини ташкил этиш, шундан 450 та мактабни давлат бюджети ҳисобидан, 810 та мактабни маҳаллий бюджетлар ҳисобидан, 190 та мактабни эса касаба уюшмалари ва “Қўшчи” иттифоқи маблағлари ҳисобидан ташкил этиш режа қилинган [2. Б. 145]. Режада саводсизликни тугатиш мақсадларига давлат ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган маблағлар миқдори ҳам келтирилган бўлиб, 110 минг сўм давлат бюджетидан, 189 654 сўм маҳаллий бюджетлардан ажратилиши кўрсатилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан 1924–1925 ўқув йилида ташкил этиладиган давлат бюджетидаги 450 та саводсизликни тугатиш мактаблари республика областлари бўйлаб қуйидаги миқдорда ташкил бўлиши кўзда тутилган:

1. Сирдарё областида – 100 та.
2. Туркман областида – 60 та.
3. Самарқанд областида – 80 та.
4. Амударё областида – 30 та.
5. Фарғона областида – 100 та.
6. Еттисув областида – 80 та [8. Б. 87].

Ташкил этиладиган ушбу мактабларнинг ҳар бирига 1 тадан ўқитувчи штати (айни пайтда у мактаб мудири ҳам саналади) ташкил этилиши кўзда тутилиб, уларга 12 разряд бўйича 45 сўм маош ва мудирлик учун 25 фоиз миқдорида устама белгиланиб, жами 60 сўм маош берилиши тасдиқланган [8. Б. 87].

1924–1925 ўқув йилида маҳаллий бюджетлар ҳисобидан фаолият олиб борадиган саводсизликни тугатиш мактаблари тармоғини эса қуйидаги кўринишда ташкил этиш мўлжалланган:

1. Самарқанд областида: Самарқанд шаҳрида – 30 та, Самарқанд уездида – 42 та, Каттақўрғон уездида – 16 та, Жиззах уездида – 16 та, Хўжанд уездида – 20 та, Ўратепа уездида – 11 та.
2. Еттисув областида – 150 та.
3. Фарғона областида: Қўқон шаҳрида – 23 та, Андижон шаҳрида – 23 та, Наманган уездида – 28 та, Марғилон уездида – 20 та, Ўш уездида – 15 та.
4. Туркман областида – 100 та.
5. Сирдарё областида: Туркман уездида – 14 та, Чимкент уездида – 24 та, Тошкент уездида – 21 та, Тошкент Эски шаҳарида – 25 та, Оқмачит уездида – 16 та, Казалинск уездида – 20 та, Авлиёота уездида – 27 та, Мирзачўл уездида – 8 та, Тошкент янги шаҳар қисмида – 20 та.

Туркистон АССР бўйича 1924–1925 ўқув йилида жами 669 та саводсизликни тугатиш мактаблари фаолият кўрсатиши кўзда тутилган [9. Б. 111–113].

Беш йиллик режада ҳар йили мактаблар тармоғини 35% га кўпайтириб бориш ва 1927 йилда уюшган аҳоли* орасида саводсизликни тугатиш ишларини якунлаш, 1928–1929 йиллардан эса уюшмаган аҳоли орасида саводсизликни тугатиш ишларини кенг авж олдириш мўлжалланган. Яъни, 1928–1929 йилларда уюшмаган аҳоли вакилларидан қарийб 300 минг нафарини саводсизликни тугатиш мактабларида ўқитиш белгиланган [2. Б. 145].

Жойларда саводсизликни тугатиш ишларининг бориши ва унинг сифатига уезд ва волост ижроқўмлари раислари шахсан жавобгар бўлганлар.

* Уюшган аҳоли вакиллари – совет идоралари ва муассасаларида, касаба уюшмаларида фаолият кўрсатаётган аҳоли вакиллари, ТКП(б) аъзолари, ТАССР комсомоли аъзолари, ерли аҳоли вакилларидан бўлган аёл делегатлар, “Қўшчи” иттифоқи аъзолари.

Саводсизликни тугатиш мактаблари моддий таъминоти учун давлат бюджети маблағлари 1924 йил март ойидан эътиборан туша бошлаган. Май ойида бу мақсад учун 14800 сўм олинган бўлиб, бу маблағ саводсизликни тугатувчилар съездини чақириш, областларда саводсизликни тугатувчилар курсларини ташкил этиш ва саводсизликни тугатувчиларни қайта тайёрлаш, дарсликлар нашр этиш мақсадларида сарфланган. Саводсизликни тугатиш бўйича Туркистон Фавқулодда комиссияси давлат бюджети маблағларидан ташқари, маҳаллий фондлардан, театр, казино, цирк каби муассасалар тушумидан ҳамда бинолар ижарасидан 65200 сўм олган. Умуман, Фавқулодда комиссиянинг 1924 йил июль ойигача бўлган жами харажатлари қарийб 80 минг сўмни ташкил қилган [2. Б. 146]. 1925 йилда Саводсизликни тугатиш бўйича Фавқулодда комиссияга давлат бюджетидан 110 000 сўм, маҳаллий бюджетлардан 200 000 сўм берилиши режалаштирилган. Саводсизликни тугатувчи ўқитувчилар таъминот ставкалари кўтарилгани муносабати билан Фавқулодда комиссия давлат бюджети маблағларини 450 та мактаб учун 170 000 сўмга кўпайтирилиши бўйича Туркистон АССР ХКСга таклиф киритган [2. Б. 146].

Туркистон АССРдаги маданий қурилиш мақсадларига Иттифоқ марказидан ҳам маблағлар йўналтирилди. Жумладан, фақат 1923 йилнинг ўзида Иттифоқ бюджетидан Туркистон АССРга олтин ҳисобида 1 миллион сўм, 1924 йилда эса 2 миллион сўмдан кўпроқ пул берилди. Бу маблағлардан ташқари, Туркистон Советлари XII съездининг қарорига биноан, маданий қурилиш эҳтиёжларига маҳаллий бюджетнинг камида 35 фоизи берилди [10. Б. 387–388].

1924 йилнинг 1 май ҳолатида Туркистон Республикасида саводсизликни тугатиш мактабларига жалб этилган ўқувчилар сони 13092 кишини ташкил қилган. Мазкур ўқув йилида тўлиқ курсни 7000 киши тугатган. Саводсизликни тугатиш мактабларида ўқиётганларнинг миллий таркиби қуйидагича эди:

ўзбеклар – 6888 киши;
қирғизлар – 2321 киши;
европаликлар – 280 киши;
туркманлар – 749 киши;
кам сонли миллатлар – 828 киши [2. Б. 144].

Мавжуд мактабларнинг 50 фоизи маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, 50 фоизи эса “Қўшчи” иттифоқи, турли ташкилотлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган. Жойлардан келган сиёсий-маърифий ходимлар ҳисоботларида амалга оширилаётган ишлар анча бўрттирилиб баён этилгани Саводсизликни тугатиш бўйича Туркистон Фавқулодда комиссияси томонидан эътироф этилган. Чунки комиссия томонидан алоҳида уезд ва волостларда ўтказилган текширувлар жараёнида айрим жойларда ташкил этилгани қайд этилган саводсизликни тугатиш мактаблари умуман ташкил этилмагани, аксарият жойларда эса мактабларга жалб этилганлар сони анча кўпайтириб кўрсатилгани аниқланган.

Туркистон АССР бўйича мавжуд 447 та саводсизликни тугатиш мактабларининг 50 фоизи қишлоқ ва овулларда ташкил этилган эди. Саводсизликни тугатиш бўйича Туркистон Фавқулодда комиссияси саводсизликни тугатиш мактаблари моддий таъминоти бўйича 9 та келишувни ВЦСПС*, Металлчилар, Тўқимачилар, Тоғ ишчилари, Рабземлес*, “Қўшчи” каби итти-фоқлар ва Бош милиция бошқармаси, Қамоқ жойлари бошқармаси, Ўрта Осиё темир йўллари Маориф хизмати каби ташкилотлар билан имзо-лаган [2. Б. 144].

Саводсизликни тугатиш бўйича Туркистон Фавқулодда комиссияси мактабларни зарур дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш борасида ҳам муайян ишларни амалга ошириб, мактабларга 32566 та методик қўлланма, 91 босма табоқ дарслик, 4239 та кўргазмали қўлланма етказиб берган [11. Б. 97]. Бироқ, шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, жойларга етказиб берилаётган қўлланмаларнинг асосий қисми рус тилида бўлиб, улар асосан европалик миллат вакилларига мўлжалланган эди. Ёки туб жой аҳоли вакилларига мўлжалланган ўқув адабиётлари рус тилидаги қўлланмалардан тўғридан-тўғри таржима қилинган бўлиб, улар маҳаллий миллат вакиллари миллий қадриятларига тўғри келмас, уларда миллий руҳ йўқ эди. Ваҳоланки, бу даврда миллий маданият ва маърифатни тарғиб этишга ҳаракат қилаётган маҳаллий зиёлилар, жумладан, Мунаввар Қори, Фитрат, Абдулла Авлоний, Ҳамза Хакимзода каби жадид намояндалари томонидан бир қатор дарсликлар яратилган бўлса-да, улардан кенг фойдаланишга совет ҳокимияти органлари имкон бермади. Чунки уларда маҳалий аҳолининг қадим анъаналари, тарихий қадриятлари, шарқона одоб-ахлоқ нормалари акс этган бўлиб, улар совет мафкурасига мос келмас, унга тамоман зид эди. Умуман, бу каби адабиётлар большевиклар манфаати ва мақсадларига тўғри келмас эди.

Совет ҳукумати саводсизликни тугатиш учун Туркистондаги мавжуд олий ўқув юртларидаги ва ишчи факультетларидаги талабаларни ҳам сафарбар қилди. Шу билан бирга, ўлкада саводсизликни тугатиш учун махсус ходимлар тайёрлашга ҳам маълум даражада эътибор берилди. Туркистондаги олий ўқув юртлари халқ хўжалигининг турли соҳалари учун мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда халқ маорифи мактаблари учун малакали педагоглар тайёрлашга ҳам жалб қилинган эди. Шу мақсадда Ўрта Осиё давлат университети қошида махсус педагогика факультети очил-

* ВЦСПС – Всесою́зный центра́льный совет профессиона́льных со́юзов (Бутуниттифоқ касаба уюшмалари Марказий совети).

* Рабземлес – Ер ва ўрмон хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси.

ди. Лекин бу факультет бир йилдан кейиноқ ёпиб қўйилади. Яна энг муҳим муаммолардан бири шу эдики, олий ва махсус ўқув юртларига қабул қилинган ёшларнинг аксарияти русийзабон талабалар эди. Масалан, 1923–1924 ўқув йилида Ўрта Осиё давлат университетига ўқишга кирган 2047 талабадан фақат 51 нафаригина маҳаллий миллат ёшларидан эди, холос [12. Б. 350].

Айни пайтда Туркистон АССРда хотин-қизлар учун ҳам мактаблар ташкил этиш, шаҳар ва қишлоқлардаги фақат европа миллатига мансубларнигина эмас, балки маҳаллий миллат вакилларидан бўлган аёлларни ҳам мактаблар тармоғига жалб этиш бўйича маълум ишлар амалга оширилди. Шарқ аёлларини “очиқликка чиқариш” масаласи РКП(б)нинг VIII, IX, XI ва XII съездларида муҳокама қилинган, лекин ушбу съездларда қабул қилинган қарорлар ва чиқарилган декретларни ҳаётга татбиқ этиш Туркистон АССРдаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият сабаб амалга ошмаган, фақатгина 1920 йили Туркистон компартияси МК ҳузурида аёллар бўлими ташкил этилган эди, холос. Туркистон Республикаси аёлларини таълим тизимига жалб этишда 1924 йилнинг май ойида бўлиб ўтган Туркистон компартиясининг VIII съезди ва унда қабул қилинган қарорлар муҳим аҳамиятга эга бўлди [3. Б. 255–256]. Съездда қабул қилинган қарорларни амалга ошириш бўйича, асосан, шаҳарларда хотин-қизлар мактаблари ташкил этила бошлади. 1923–1924 ўқув йилида қизларни режали асосда мактабларга қабул қилиш амалга оширилиб, Сирдарё областида 14 та, Фарғона областида 12 та, Самарқанд областида эса 4 та қизлар мактаби ташкил этилди [13. Б. 22]. Бу даврдаги энг асосий муаммолардан бири маҳаллий хотин-қизлар саводини чиқарувчи ўқитувчи-мутахассисларнинг етишмаслиги эди.

1924 йилнинг 1 декабрь ҳолатига республикада ўзбек қизлари учун 36 та мактаб ташкил этилган ва уларда жами 2758 нафар қизлар ўқиган. Бундан ташқари, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида ва Бухорода ўзбек қизлари учун мактаб-интернат ҳам ташкил қилинган бўлиб, уларда 240 нафар қизлар ўқиган. Сиёсий маърифат тармоқлари орқали хотин-қизлар учун ташкил этилган 51 та саводсизликни тугатиш мактабларида 1200 нафар аёллар савод чиқаришга жалб этилган. 1924 йил охирларида Ўзбекистон ССР шаҳар ва қишлоқларида давлат бюджети ҳисобидан хотин-қизлар саводини чиқаришга мўлжалланган яна 30 та янги мактаб ташкил этиш ва уларда 900 нафар хотин-қизларни қамраб олиш режалаштирилган [14. Б. 44–45].

Совет ҳукумати маҳаллий хотин-қизларни ҳам саводсизликни тугатиш тадбирларига жалб этишга алоҳида ёндашиб, бу борада маълум имтиёзлар белгилаган. Масалан, Туркистон АССР ХКСнинг 1924 йил 11 ноябрдаги қарорида саводсизликни тугатиш курсини тамомлаб чиққан кишиларга ёки қизлари, ёхуд хотинлари саводсизликни тугатиш 6 ойлик курсларида ўқиб турган деҳқонларга биринчи навбатда қишлоқ хўжалик банкларидан қишлоқ хўжалик кредитлари ва қарзлар олиш, шунингдек, деҳқончилик қуролларини 5 фоизлик чегирма билан ва ҳақини 2 йилда тўлаш шарти билан насияга сотиб олиш ҳуқуқи берилди [15. Б. 113].

1920 йиллар бошида Туркистон АССРдаги саводсизликни тугатиш мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган курслар асосан 1,5–3 ойлик этиб белгиланган учун бу қисқа муддатда олинган билим ва малака катта ёшдаги аҳолини саводли қилиш учун етарли эмас эди. Энг муҳими, бундай қисқа муддатли курсларни битирган ўқитувчиларда методик билим ва кўникмалар йўқлиги учун улар томонидан саводи чиқарилган аҳолининг саводлилиги узоқ яшовчан бўлиб чиқмади. Саводсизликни тугатиш мактаблари ёки курсларини битирган аксарият маҳаллий миллат вакиллари кўп ўтмай ўқиш ва ёзишни эсдан чиқариб қўяр эдилар. Шу сабабли ҳам 1923 йилдан кейин саводсизликни тугатиш курслари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган курслар 6 ойлик қилиб белгиланди, бу курслар ўқув дастурига сиёсий саводхонлик, Туркистон АССР бўйича иқтисодий билимларни ҳам ўрганиш қўшимча сифатида киритилди.

Маълумки, ўзбек халқининг миллий-маданий анъаналарида чойхона ўзига хос тарбия ўчоғи саналган. Туркистондаги совет ҳокимияти чойхоналардан ҳам коммунистик мафкура тарғиботида кенг фойдаланган, айни пайтда “қизил чойхоналар” ёппасига саводсизликни тугатиш жараёнида катта ёшдаги қишлоқ аҳолисини саводли қилишда муҳим таълим маскани вазифасини бажарди. 1924 йилда Туркистон АССРда 113 та клуб, 213 та “қизил чойхона”, 34 та деҳқонлар уйи мавжуд бўлиб, уларнинг асосий вазифаси сифатида совет тузумининг коммунистик мафкураси доирасида “янгича маданият”ни тарғиб этиш эди [12. Б. 336–337].

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, Туркистондаги большевик ҳукумати ўлкада олиб борилаётган маданий қурилиш, хусусан, катта ёшдагилар ўртасидаги саводсизликни тугатиш кампаниясига ўта сиёсий тус беришга интилдилар. “Социалистик” маданият қурилиш жараёнига ҳам сунъий равишда “синфий кураш” тушунчаси олиб кирилди, мактаблар, саводсизликни тугатиш курслари ва бошқа ўқув юртларида большевиклар мафкурасини кенг ёйишга йўналтирилган сиёсий-тарбиявий ишлар кучайтирилди. Миллий мактабларда ҳам пионер ва комсомол ташкилотлари ташкил этила бошлади.

Умуман, 1920 йиллар бошида Туркистон Республикасидаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар таҳлили ижтимоий ҳаётда маданий-маънавий муносабатлар, ўта мураккаб шароитларда бўлса-да, ривожланганини кўрсатади. Бу даврда совет ҳукуматининг асосий мақсади социализм қуриш эди, лекин унга эришишни маданиятни ривожлантирмасдан тасаввур қилиб ҳам бўлмасди. Шунинг учун совет ҳукумати дастлабки йилларданоқ миллий республикаларда ҳам маданий қурилишни

амалга ошира бошлади ва шу орқали ўзининг мафкуравий позицияларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Бу йилларда Ўзбекистон ҳудудларида совет таълим тизими тузилмасини шакллантириш бўйича фаол ишлар олиб борилди. Лекин бу кенг қамровли тадбирлардан кўзланган асосий мақсад халқ таълими ва маърифий тармоқларни ривожлантириш, оммавий саводхонликка эришиш эмас эди. Маданий тараққиётнинг асосий мақсади биринчи навбатда ёшлар онгига коммунистик ғояларни чуқур ва мустаҳкам сингдириш, ёш авлодни бу ғояларга садоқат руҳида тарбиялаш эди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1418-иш.
2. Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), 83-фонд, 1-рўйхат, 76-иш. 3. Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. – Ташкент: Узбекистан, 1988. – 312 с.
4. Коммунистическое просвещение. 1922, №2. – С. 142–154.
5. *Куманев В.А.* Социализм и всенародная грамотность. Ликвидация массовой неграмотности в СССР. – Москва: Наука, 1967. – 328 с.
6. ФВДА, 83-фонд, 1-рўйхат, 44-иш.
7. ЎзМА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 2056-иш.
8. ЎзМА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 2589-иш.
9. ЎзМА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 2055-иш.
10. Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. 3-том. / Бош муҳаррир И.М.Мўминов. – Тошкент: Фан, 1971. – 714 б.
11. ФВДА, 83-фонд, 1-рўйхат, 79-иш.
12. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Китоб 1. Ўзбекистон 1917–1939 йилларда. / Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – 560 б.
13. *Кадиров И.К.* Народное образование Советского Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1964. – 81 с.
14. ЎзМА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 2580-иш.
15. Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет Советской власти. Юбилейный статистический ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1977. – 341 с.

THE PROCESS OF ERADICATING ILLITERACY IN THE NEW ECONOMIC POLICY OF THE TURKESTAN ASSR (1921–1924)

R.R. Ahmedov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 3 (63). 42-48.

[1]Kokand State pedagogical institute, 150700, Fergana reg., Kokand town, Turon str., 23 (Uzbekistan). E-mail: kspi_info@edu.uz

Keywords: Turkestan ASSR, new economic policy, illiteracy eradication, schools, rural population, Extraordinary Commission for the Elimination of Illiteracy, Commissariat of Education, Koshchi Union, textbook, teaching aids, Jadids.

The transition to a new economic policy (NEP) in the Soviet state in early 1921 also saw significant changes in the practical work of eradicating illiteracy. Under the new economic policy, the introduction of a very tight budget, as well as the establishment of a network of schools, the lack of clear plans to eradicate illiteracy, led to a sharp decline in illiteracy eradication schools in the Turkestan ASSR. As a result, there was a decline in the coverage of the illiteracy movement, and in 1922 a certain proportion of illiteracy schools were closed due to lack of funds.

From the end of 1922 to the beginning of 1923, the work on the organization of the eradication of illiteracy in Turkestan, the development of curricula and the financial strengthening of schools to eradicate illiteracy was resumed. As a result, at the end of the 1922-1923 academic year, the Turkestan Emergency Commission for the Elimination of Illiteracy was able to establish about 200 literacy schools.

Efforts to end illiteracy in rural areas have also been limited in those years. The reason for this was that the Soviet government had not found a complete solution in many rural areas. Especially in the Ferghana Valley, the armed resistance against the Soviet government intensified during these years, and their influence was much stronger in the villages. On the other hand, any new measures of the Soviet regime were met with some hesitation and hesitation

by the local population, no matter how positive they may have been. not supported.

The Soviet leadership of the Turkestan ASSR put forward a plan to spread communist ideology among the rural population, to consistently use the Union of "Koshchi" in the organization of Soviet cultural and educational activities, including in the field of education. In June 1923, the Central Committee of the "Koshchi" Union and the Turkestan Emergency Commission for the Elimination of Illiteracy signed an agreement on cooperation in the field of "Enlightenment of villages and auls".

In the first phase of the new economic policy reforms, due to the lack of financial resources, teaching equipment and teaching staff, the task of eradicating illiteracy among the population aged 18 to 30 was put on the agenda. Literacy of people over 30 years of age is provided on a voluntary basis. Later, with the improvement of the country's economic situation and the initial successes in eradicating illiteracy, the task of educating the population aged 18 to 35 was then put on the agenda.

As of April 15, 1924, there were a total of 489 illiteracy schools in the Turkestan ASSR, 50 per cent of which were established in villages and auls. In particular, at that time there were 89 illiteracy schools in Ettisuv region, 68 in Turkmen region, 134 in Ferghana, 48 in Samarkand, 147 in Syrdarya and 3 in Amudarya regions.

As of December 1, 1924, 36 schools for Uzbek girls were established in the republic, and a total of 2,758 girls studied there.

References:

1. O'zbekiston Milliy arxivi (O'zMA) [National archive of Uzbekistan. (NA of Uz)]. Fund – R-25. List-1, Folding Volume - 1418.

2. Farg'ona viloyat davlat arxivi [State Archive of Ferghana region. (FRSA)]. Fund – 83. List-1, Folding Volume - 76.

3. *Kommunisticheskaya partiya Turkestana v rezolyuciyah s"ezdov i konferencij* (1988) [The Communist Party of Turkestan in the resolutions of congresses and conferences]. Tashkent: Uzbekistan.

4. Kommunisticheskoe prosveshchenie (1922) [Communist education]. No.2. Pp. 142-154.

5. Kumanev, V.A. (1967) *Socializm i vsenarodnaya gramotnost'. Likvidaciya massovoj negramotnosti v SSSR* [Socialism and public literacy. Liquidation of mass illiteracy in the USSR]. Moscow: Nauka.

6. FRSA. Fund – 83. List-1, Folding Volume - 44.

7. NA of Uz. Fund - R-34. List-1, Folding Volume-2056.

8. NA of Uz. Fund - R-34. List-1, Folding Volume-2589.

9. NA of Uz. Fund - R-34. List-1, Folding Volume-2055.

10. Muminov, I.M. (1971) *O'zbekiston SSR tarixi* [History of the Uzbek SSR]. In 5 volumes. 3-volumes. Tashkent: Fan.

11. FRSA. Fund – 83. List-1, Folding Volume - 79.

12. Abdullaev, R. (et. al.) (2019) *O'zbekiston tarixi (1917–1991 yillar)* [History of Uzbekistan (1917–1991)]. In: O'zbekiston 1917–1939 yillarda [Uzbekistan in 1917–1939]. Book 1. Tashkent: O'zbekiston.

13. Kadirov, I.K. (1964) *Narodnoe obrazovanie Sovetskogo Uzbekistana* [Public education of Soviet Uzbekistan]. Tashkent: Uzbekistan.

14. NA of Uz. Fund - R-34. List-1, Folding Volume-2580.

15. Narodnoe hozyajstvo Uzbekskoj SSR za 60 let Sovetskoj vlasti. Yubilejnyj statisticheskij ezhegodnik (1977) [The national economy of the Uzbek SSR for 60 years of Soviet power. Anniversary Statistical Yearbook]. Tashkent: Uzbekistan.

Муаллиф ҳақида маълумот:

АҲМЕДОВ Раҳмонжон Расулович – Қўқон давлат педагогика институти Тарих кафедраси катта ўқитувчиси. E-mail: rahmonjonahmedov@mail.ru